



ОДАМ САВДОСИ - ГЛОБАЛ МУАММО

Қамбарова Гулмира Бахтиёровна

Фарғона вилояти ИИБ ТҚХ Терроризмга қарши курашиш бошқармаси катта мутахассиси подполковник

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир қатор халқаро тавсиявий ва мажбурий характерга эга ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар доирасида ушбу хавфга қарши дунё миқёсида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Инсонлар бойлик орттириш мақсадида ўз қавмини, қариндош-уруғларини, маҳалла-қуйда яшаб турган маҳалладошларини турлича алдовлар билан Россия, Туркия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Кореяда яхши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетиб, сотиб юбормоқдалар. Бундай ҳолат миллатимизнинг фожиасидир. Айниқса, бу ишларга аёлларнинг аралашгани кечириб бўлмайдиган ҳолатдир.

Дунё бўйича турли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, одам савдосидан жабр кўрганлар сони салкам 200 миллионга етган, деб қайд қилинмоқда. БМТ маълумотларига кўра эса, ҳар йили дунёда ўртача 2,5-3 миллион киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Ҳар йили қарийиб 1 миллион яқин аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб сотиб юборилмоқда. Расмий маълумотларга кўра, 2008 йилда Республикамызда мингдан ортиқ шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабрланганлар. Уларнинг 35-40 фоизини аёллар, 10-15 фоизини эса болалар ташкил этади.

Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши кураш соҳасида мамлакатимизни халқаро майдондаги ижобий имиджини олға суришда давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни тизимли равишда тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-





5775-сонли Фармонида асосан “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси ташкил этилди.

Ушбу Президент фармонида асосан, 2019 йилнинг 25 сентябр куни вилоят ҳокими раислигида “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш вилоят комиссияси ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида вилоят комиссияси томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, одамларни огоҳлантирувчи кўргазмали воситалар шаҳримизда туман марказларида кўринадиган жойларга ўрнатилмоқда. Хорижда меҳнат қилиш истаги бўлганлар билан суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шунга қарамай ҳозир хорижда кўнлаб эркак ва аёллар бу балого гирифторм бўлиб жафо чекмоқдалар. Уларнинг кўплари ҳали ҳам ўз ҳуқуқларини англаб етмаган, адашган ва ватанига қайтиш йўллариини излаётган кимсалардир.

Юқоридагилардан хулоса келиб чиқадики, мамлакатимизнинг ўзида тирикчилик қилиш имконияти бўлатуриб, баъзи юртдошларимизнинг хорижга олиб кетиб сотилиши, хўрланиши, кулликка ёлланишида фуқароларимизнинг соддалиги ва ишонувчанликлари, тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик, жиноятдан жабрланганларнинг дунёқарашининг торлиги, саёзлиги каби хислатлари билан кўп ҳолларда ўзлари сабабчи бўлиб қолмоқдалар.

Биз ушбу чиқишларимиз орқали, республикаимизнинг барча фуқаролари ҳамда хорижий давлатларда меҳнат мигранти сифатида меҳнат қилаётган юртдошларимизни алданиб, одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар тузоғига тушиб қолмасликка, осон ва меҳнатсиз бойиш каби ёлғон вадаларга ишониб қолмасликка, атрафда рўй бераётган глобал муаммоларга қарши курашиш жараёнларини фаол кузатишга ва энг муҳими огоҳ бўлишга чақириб қоламиз.

